

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.11.2021.Ped.05.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ МУХАММАДИМИН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертация доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical science**

Абдуллаев Мухаммадимин Эгамбердиевич Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш тизими.....	3
Абдуллаев Мухаммадимин Эгамбердиевич Система формирования чувства национальной гордости у учащихся посредством этнопедагогических ценностей.....	23
Abdullaev Muxammadimin Egamberdiyevich The system of forming student's sense of national pride through ethnopedagogical values.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	49

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.11.2021.Ped.05.07 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ МУХАММАДИМИН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

ЭТНОПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1554 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “Ziynet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Темиров Набижон Солиевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.11.2021.Ped.05.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “03” 12 кuni соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй, Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-қават, мажлислар зали. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (208 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил “22” 11 кuni тарқатилди.
(2022 йил “23” 11 даги 4 -рақамли реестр баённомаси).



Б.Ш.Шермухаммадов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, п. ф. д., профессор

У.Қ.Мақсудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б.С.Сиддиқов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п. ф. н., доцент

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ёш авлодда миллий ғурур туйғусини шакллантириш асосида шахснинг онгли фаолиятини ривожлантириш, шу мақсадда таълим-тарбия жараёнига инсонни маънавий-маданий ривожлантиришга хизмат қиладиган этнопедагогик кадриятларни сингдириш бугунги кунда алоҳида долзарб муаммо ҳисобланади. Айни вақтда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия каби ривожланган мамлакатларда ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш орқали муайян тарихий босқичда яшаган халқнинг кўп асрлик маънавий-тарихий меросидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахсни маданий-маънавий ривожлантириш жараёнида жаҳон миқёсида шарқона таълим-тарбиянинг инсонпарварлик моҳияти, унинг маърифий-маданий аҳамияти ва ривожланиш тенденцияларини илмий асосда ўрганиш ҳамда ёш авлод онгига етказиш муҳим педагогик аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда ёшларда миллий ғурурни шакллантириш, тарихий тафаккурни ривожлантиришга устувор даражада эътибор қаратилган. Ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ўзлигига садоқат, урф-одатлари ва анъаналарни кадрлашга йўналтирилган этнопедагогик кадриятларни танлаш, тизимлаштириш соҳасида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўзбек халқи томонидан яратилган этнопедагогик кадриятлар, уларнинг ёш-авлод маънавий-маданий дунёқараши, ғурурини тарбиялашдаги улкан педагогик имкониятидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шунга кўра, этнопедагогик кадриятлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи кучайган.

Мамлакатимизда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ педагогикаси имкониятларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида ёш авлодда тарихий-маданий дунёқарашни, миллий ғурур туйғусини шакллантириш имкониятларини кенгайтиришнинг услубий-меъёрий асосларини таркиб топтириш, ўқувчиларнинг фольклор намуналарини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш, ўзбек халқининг анъаналари ва урф-одатларини ўқувчи ёшлар онгига етказиш методикасини такомиллаштириш йўналишида бўлган тадқиқотларга бўлган қизиқишнинг ортганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сон фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани

ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон, 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятини янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон, 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4320-сон, 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-марифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда аждодларимизнинг мероси, халқ педагогикасининг шахс камолотини таъминлашдаги имконияти файласуф ва педагог олимлар В.Й.Зоҳидов, Н.М.Маллаев, У.Қ.Мақсудов, И.Н.Мўминов, А.Рустамов, М.М.Хайруллаев, Ш.М.Шомухамедов, Т.А.Эгамбердиева; халқ педагогикасининг шахсни маънавий-ахлоқий, маданий жиҳатдан тарбиялаш йўналишлари педагог олимлар А.Зуннунов, Н.Машарипова, О.Мусурмонова, Д.Муқимова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Салаева, О.Сафарова, Р.Сафарова, О.Ҳасанбоева, Д.Қосимова, З.Қурбонниёзова, М.Қуроновларнинг ишларида, адабиётшунос олимлар М.Алавия, М.Жўраев, О.Маъдаев, Т.Мирзаевлар халқ оғзаки ижоди намуналарининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларини кўрсатиб берган бўлсалар, мусиқашунос олимлар О.Иброҳимов, Ф.Кароматовлар халқ кўшиқларининг тарбиявий жиҳатларини илмий томонидан асослаганлар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан Г.И.Батурина, Д.Б.Богоявленская, Н.Ю.Борякова, В.В.Бурякова, Г.Н.Волков, В.Г.Горецкий, Д.В.Григорьев, М.С.Каган, Л.И.Федорова, И.Ф.Харламовлар ўз тадқиқотларида фольклор намуналари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш методларни кўрсатиб берганлар.

Хорижлик олимлар V.Frankl, D.Kodish, R.Sibarani, A.G.Маслоу, Г.Ц.Молонов, Ж.Пиже, В.В.Сафонова каби олимларнинг ишларида ўқувчиларни фольклор намуналари воситасида тарбиялашнинг методик жиҳатлари очиқ берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Андижон давлат университети “Умумий педагогика” кафедрасининг “Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнини

самарали ташкил этишнинг назарияси ва амалиёти” (2018-2022 йй.) номли илмий-тадқиқот мавзуси ишлари режасига мувофиқ тарзда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда уларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг назарий асосларини аниқлаш;

ўқувчиларда миллий ғурур туйғусининг шакллантиришнинг психологик-методик жиҳатлари ва асосий йўналишларини белгилаш;

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг мазмуни, уни танлаш принциплари ҳамда махсус ташкил этилган педагогик жараёнда ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси ва моделини ишлаб чиқиш;

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикасининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишлари Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган.

Тадқиқотнинг предмети этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш мазмуни, уни танлаш принциплари, шакллари, усул ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-ретроспектив таҳлил, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, педагогик-социологик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома), педагогик эксперимент, математик статистика усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

этнопедагогик кадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ оғзаки ижоди намуналари (эртақлар, дostonлар, ривоятлар, афсоналар, халқ қўшиқлари), урф-одат, анъана ва маросимлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси ёндашувларни интерпретациялаш, маданий дунёқарашни таркиб топтириш, тарихий тафаккурни ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

таълим-тарбия жараёнида этнопедагогик кадриятларда ўз ифодасини топган шахс руҳияти ва дунёқарашини бойитувчи дидактик воситаларни (ўқувчиларни маданий, ахлоқий, интеллектуал ривожлантирувчи, ижодкорликка ундовчи, ўзликни англаш ҳиссини таркиб топтирувчи, аждодлар меросидан фахрланишга йўналтирувчи) педагогик жараёнларда ўқувчиларга тақдим этиш модели ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқувчиларга тақдим этиш механизмлари таҳлилий тафаккурни ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнини тизимлилик, интеграцияга асосланиш, этномаданий кадриятларни англашни назарда тутган ҳолда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни моделдан тарих, адабиёт, тарбия фанларини ўқитиш ҳамда синф соатлари ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларни ташкил этишда фойдаланиш механизмлари таклиф қилинган;

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган ва дарс ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларга тадбиқ этилган;

ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув материаллари, савол ва топшириқлар аниқланган, тизимлаштирилган ва улардан педагогик амалиётда фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда улар ёрдамида таълим олувчиларда миллий ғурур туйғусининг шаклланганлик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога тарихий-фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган респондентлар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмуни билан асосланганлиги, статистик усулларнинг қўлланилиши, олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аниқланган илмий ёндашувлар, қарашлар, ғоялар, таклиф этилган этнопедагогик воситалардан ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели, методик тавсиялар, машғулот сценарийлари, ишланмалар, таълим назарияси ва методикасини бойитишга хизмат қилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқининг кўп асрлар мабойнида эришган тарихий тажрибаси, тўпланган этнопедагогик кадриятлар, ундан фойдаланиш шакллари, усул ва методларининг аниқланганлиги, тарбия фанини ўқитиш жараёни ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси билан бойитилганлиги, ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган воситаларнинг танланганлиги ва амалиётда қўлланилганлиги, “Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси” номли қўлланма ишлаб чиқилганлиги ва педагогик жараёнга тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш бўйича олинган натижалар асосида:

этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган эртақлар, дostonлар, афсоналар, ривоятлар, халқ кўшиқларидан фойдаланиш ҳақидаги ғоялардан ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига кўра, “Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 13 майдаги 02-07-1295/04-сон маълумотномаси). Натижада, этнопедагогик кадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқ оғзаки ижоди намуналари (эртақлар, дostonлар, ривоятлар, афсоналар, халқ кўшиқлари), урф-одат, анъана ва маросимлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш методикаси ёндашувларни интерпретациялаш, маданий дунёқарашни таркиб топтириш, тарихий тафаккурни ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган педагогик маълумотлар, дидактик воситалар тавсифидан Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳани (2012-2016 йй.) амалга оширишда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 13 майдаги 02-07-1295/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларда таълим-тарбия жараёнида этнопедагогик кадриятларда ўз ифодасини топган шахс руҳияти ва дунёқарашини бойитувчи дидактик воситаларни (ўқувчиларни маданий, ахлоқий, интеллектуал ривожлантирувчи, ижодкорликка ундовчи, ўзликни англаш ҳиссини таркиб топтирувчи, аждодлар меросидан фахрланишга йўналтирувчи) педагогик жараёнларда ўқувчиларга тақдим этиш модели ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқувчиларга тақдим этиш механизмлари таҳлилий тафаккурни ривожлантириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 та хорижий, шундан 1 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг “**Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш заруриятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари ва асослари баён этилган.

Бугунги кунда ўқув фанлари мазмунини этнопедагогик кадриятлар воситасида бойитиш асосида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки асрлар давомида халқ томонидан қўлланилган тарбия воситалари миллатимиз ўқувчи-ёшларида миллий ғурур, ўз халқининг ютуқларидан фахрланиш, ундан ижодий фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда ўқувчи-ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялашда асрий тажрибалар, анъаналар, урф-одатларнинг муҳим ўрин эгаллаши сиёсий, илмий-педагогик жиҳатдан эътироф этилмоқда. Бу жараёнда этнопедагогик кадриятларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўзбек халқининг ўтмиши, аждодларимизнинг бой маънавий мероси, тажрибаларидан ўқувчи-ёшларни хабардор қилиш орқали уларда миллий ғурур туйғуси шакллантирилади.

Халқимизнинг миллий ғурурига оид қарашлари барча даврларда мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган. Жумладан, Абдурауф Фитратнинг фикрича, инсон ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши учун, биринчи навбатда, соғлом фикр ва ахлоқга эга бўлиши лозим. Миллат ўз келажагини яратиши учун ёшларга алоҳида эътибор қаратиши, уларни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан ривожлантириши лозимлигини таъкидлаган.

Маълумки, миллий онг миллий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у ўзбек халқининг миллий ғурурига асосланади. Этнопедагогик кадриятларда эса, ўзбек халқининг миллий онги, руҳияти ва ғурури ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ педагогикасига оид тадқиқотларда ўзбек халқининг миллий ғурури, онги ва дунёқарашининг асосини ташкил этган тушунчалар илмий жиҳатдан ёритиб берилган.

Кўплаб олимлар ўз асарларида этнопедагогик кадриятлар ва унинг ёш авлодда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга кўрсатадиган таъсири ҳақида фикр юритганлар. “Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар” номли китобда халқ педагогикасида илгари сурилган ғоялар, қарашлар, кадриятлар ҳақида фикр юритилган. Китобда ўзбек халқ педагогикасининг турли даврлардаги тараққиёт босқичлари таҳлил этилган. Ўзбек халқ педагогикасида кўп асрлар давомида яратилган этнопедагогик кадриятлар, ғоялар, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар мужассамлашган. Мазкур ғоялар халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз намунасини топган.

Этнопедагогик кадриятлардан таълим жараёнида фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг ҳиссий олами кенгайиб, тасаввурлари ривожланади. Ҳаётнинг энг муҳим манзаралари этнопедагогик кадриятлар мазмунида ўз аксини топади. Этнопедагогик кадриятларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг шахс онгига кучли таъсир кўрсата олишидир. Этнопедагогик кадриятлар ўзига хос тарбия воситаси ҳисобланади. Этнопедагогик кадриятларда инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб тасаввурлар ўз ифодасини топган. Этнопедагогик кадриятлар халқнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагини ўзида мужассамлаштиради.

Ёш авлод ўз тарихини ўрганиши учун дастлаб этнопедагогик кадриятлардан фойдаланиш лозим. Этнопедагогик кадриятларда халқ ҳаётига хос бўлган ўзгаришлар ва ривожланиш ўз ифодасини топади. Этнопедагогик кадриятларда анъаналар намоён бўлиб, ривожланиб боради. Этнопедагогик кадриятлар кўпвариантликка хос тарбияга эга. Кўпвариантликка этнопедагогик кадриятларнинг ўзига хослигини таъминловчи асосий омилдир. Этнопедагогик кадриятлар мунтазам бойиб, давомийлик касб этади ва аждодлардан авлодларга мерос сифатида қолдирилади. Этнопедагогик кадриятларнинг юксак намунаси бўлган дoston, эртақ, мақол-матал, кўшиқ, афсона ва ривоятларда халқнинг ғурури, эътиқоди, дунёқараши ва кадриятлари намоён бўлади. Этнопедагогик кадриятларнинг асосини ташкил этган ўзбек халқ дostonлари 400 дан ортиқ бўлиб, уларда, энг аввало, миллий ғурур туйғуси тарғиб қилинади.

Ўзбек халқи томонидан яратилган турли ривоятлар, ҳикоятлар, масаллар, эртақларнинг қахрамонлари ҳам ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу этнопедагогик кадриятларда иймон-эътиқод, одамларга яхшилик қилиш, улар орасида ҳамжихатлик ва адолатли муносабатларни таркиб топтириш, турли низоларни бартараф этиш каби ахлоқий сифатларга эга бўлиш ғояси ифодаланган.

Диссертациянинг **“Ўқув фанлари кесимида этнопедагогик кадриятлар воситасида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш параметрлари”** деб номланган иккинчи бобда, ўқувчиларни ўқув фанлари кесимида ўзбек халқининг эртақ, дoston, афсона ва ривоят, кўшиқ, мақол-маталлари билан тизимли тарзда таништириш, уларни ўқиб ўрганиш мотивларини шакллантириш лозимлиги кўрсатилган. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда этнопедагогик кадриятлардан фойдаланиш мақсадида, уларни танлаш, тизимлаштириш ва ўқувчиларга

тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бугунги кунда комбинациялаштирилган этнопедагогик ишлар ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай педагогик чора-тадбирлар ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади.

Ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муайян принципларга таяниш самарадорликка эришиши имконини беради: ўқувчиларга этнопедагогик кадриятларни тизимли тарзда тақдим этилиши, ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ қаҳрамонлиги, маданияти, эътиқодий қарашлари ифодаланган фольклор намуналарини танлаши, тизимлаштириши лозим, ўқувчиларга фольклор намуналарини тақдим этишда унинг синкретик характери сақлаб қолиниши.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда кўп асрлар давомида қўлланилган дидактик воситалар, усуллар, кундалик турмушга хос тадбирлар, урф-одат ва анъаналар, халқнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида мужассамлашган. Халқ кўшиқлари, байрамлар, миллий урф-одатлар этнопедагогик кадриятларни ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Этнопедагогик кадриятларни ўрганишдан асосий мақсад – ёш авлодда ўзбек халқига хос бўлган миллий менталитетни шакллантиришдан иборат. Чунки оммавий маданият кенг кўлам касб этаётган ҳозирги шароитда этнопедагогик кадриятларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, акс ҳолда ўқувчилар ўзлигини англаш, миллий ғурур, миллий маданий бойликларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлмай қоладилар.

Тарихий дostonлар ҳам ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади. Уларда ўзбек халқининг тарихи акс этган. Масалан, “Ойсулув” дostonида халқимизнинг икки ярим минг йил аввал мустақиллик учун олиб борган курашлари акс этган. “Ойсулув” дostonи билан “Тўмарис” ҳақидаги ривоятлар орасида ўзаро ўхшашлик бўлиб, ўқувчи қизларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Тарихий дostonлар сирасига “Тулумбий”, “Шайбонийхон”, “Ойчинор”, “Намоз”, “Маматкарим полвон”, “Жиззах қўзғолони” кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, дostonларда миллатнинг миллат сифатида шаклланишидан бошлаб, унинг урф-одатлари, анъаналари, маросимлари, маданияти, ижтимоий турмуш тарзи, фалсафий қарашлари, идеаллари, интилишлари ўз ифодасини топган. Бугунги кунда этнопедагогик кадриятлардан фойдаланиш методикаси янги ғоялар ва мезонлар асосида бойитилмоқда. Чунки этнопедагогик кадриятлардан фойдаланиш динамикаси замонавий, илғор кумулятив характерга эга. Шунинг учун ҳам этнопедагогик кадриятлар ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантириш асосида миллий ғурур туйғусини тарбиялашнинг қулай воситаси бўлиб хизмат қилади.

Этнопедагогик манбалардаги образларнинг ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга кўмаклашадиган педагогик ахлоқий тимсоллари

№	Этнопедагогик манба номи	Достон қахрамонлари	Қахрамонларнинг ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга кўмаклашадиган фазилатлари
1	Алпомиш достони	Алпомиш	Мард, жасур, кучли, миллатпарвар, дўстига, халқига садоқатли, Ватани эркини учун курашувчи
		Барчиной	Вафоли, оқила, ақл билан иш кўрувчи
		Бойчибор	Садоқатли, дўстини оғир вазиятларда ёлғиз қолдирмайдиган дўст
		Қоражон	Дўстликни қадрлайдиган, дўстига ҳамиша ёрдамга интиладиган
2	Гўрўғли достони	Гўрўғли	Мардлик, жасоратлилиқ, кўрқмаслик, олдиға қўйган мақсадиға эришиш учун сидкидилдан ҳаракат қилиш
		Ғирот	Дўсти билан ҳамиша йўлдош бўлиш, қувончига ҳам дардиға ҳам шерик бўлиш, дўстини ҳар қандай вазиятда ҳам ташлаб кетмаслик
		Юнус пари	Гўзаллик, севганиға вафоли бўлиш, ёрини садоқат билан кутиш, иболи ҳаёли бўлиш
3	Эгри ва Тўғри эртаги	Тўғривой	Тўғри сўзлиги, ҳалоллиги, дўстидан ҳеч нарсасини аямаслиги, мушкул аҳволға тушганларға ёрдамға шошиши
		Эгривой	Эгривойдаги ёлғончилиқ, алдаш, бировларни ҳаққини ейиш каби ёмон фазилатлардан нафратланиш ва бундай ёмон хулқли бўлишнинг оқибати тўғрисида хулоса чиқариш
4	Луқмони Ҳаким ривояти	Луқмони Ҳаким	Ҳикматларға амал қилувчи, билим олишға интилувчи, яхшилиқ қилишға ундовчи
		Луқмони Ҳакимнинг ўғли	Хато ишларидан хулоса чиқарувчи, ўзини таҳлил қилувчи, илм олишға интилувчи

Аждодларимиз томонидан яратилган этнопедагогик воситалар, кадриятлардан таълим муассасалари ва оилалардаги тарбиявий жараёнларда самарали фойдаланиш, уларни дарслиқлар, ўқув қўлланмалар, мажмуалар мазмуниға мавзулар билан боғлиқ ҳолда сингдириш, синфдан ташқари таълим-тарбиявий жараёнларда фольклор намуналари асосида тузилган сценарийлардан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки фольклор намуналари ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун қулай ҳисобланади. Чунки фольклор намуналари ўқувчиларни мантиқий фикрлашға, мулоҳаза қилишға, ўз ҳаракатларини мақсадға йўналтиришға ундайди.

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёни ўзига хос хусусиятларға эға. Маълумки, фольклор намуналари ўқувчиларнинг ақлий-ҳиссий жиҳатларини ривожлантиришға хизмат қилади. Бунда фольклор намуналари асосида ташкил этиладиган педагогик жараённинг ўзига хос қонуниятлар ва омилларни ҳисобға олиш талаб этилади.



1-расм. Ўзбек халқ оғзаки ижодига мансуб этнопедагогик воситалар тавсифи

Этнопедагогик қадриятларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг билим даражалари ва маънавий эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай эҳтиёж ривожланганда ўқувчиларда миллий ўз-ўзини англаш туйғуси таркиб топади.

Этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шаклантиришда бир қатор ҳолатларга эътибор қаратдик:

1. Достон ва эртак қаҳрамонларининг руҳий кечинмаларини чуқурроқ англаш мақсадида ўқувчиларнинг ички ҳиссиётлари, сезгиларини поэтик воситалар ёрдамида ривожлантириш.

2. Ўқувчиларнинг руҳий кечинмалари, маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган фольклор намуналарини танлаш ва тизимлаштириш.

3. Ўқувчилар билан ташкил этиладиган савол-жавоблар, суҳбатлар, баҳс-мунозаралар давомида достон ва эртак қаҳрамонларининг шахсий намунаси асосида миллий ғурур, ватанпарварлик, халқсеварлик сифатларини шаклантиришга эътибор қаратиш.

4. Халқ томонидан яратилган кўшиқлар, айтимлар, бахшичилик намуналари воситасида ўқувчиларга миллий-маданий, эстетик билимларни тақдим этиш. Бундай билимлар ёрдамида ўқувчилар халқ меросидан фахрланиш билан бир қаторда миллий маданий хулқ-атвор меъёрларини ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўладилар.

5. Халқ оғзаки ижоди намуналари билан дарсдан бўш вақтларда мустақил танишиш, урф-одат ва анъаналарни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар ўзларининг ахлоқий сифатларини такомиллаштиришга эришадилар.


6. Ўқувчилар эртаклар, достонлар, ривоятлар, кўшиқларни мустақил ўқиб, таҳлил қилиш натижасида ўз-ўзларини ривожлантирадилар. Шунинг учун ҳам

педагоглар уларга халқ оғзаки ижоди намуналарини мустақил ўқиб ўрганиш учун тавсия қилишлари лозим.

7. Достон ва эртаклар ўсмир ёшдаги ўқувчиларда пок муҳаббат туйғусини ҳис этиш, ундан ғурурланиш каби олий жаноб сифатни ҳам шакллантиришга хизмат қилади.

Миллий ғурур туйғуси ўқув топшириқлари ёрдамида сингдирилади. Муайян фольклор намунаси, айниқса, эртак ва достон қаҳрамонлари ҳақида уюштирилладиган суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, достонхонлик дақиқалари, ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини самарали шакллантириш имконини беради. Ўқувчилар эртак ва достон қаҳрамонларига шахсий муносабатларини билдириб, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайдилар. Ижобий қаҳрамонларнинг амалга оширган ишларидан ғурурланиб, салбий қаҳрамонларга нисбатан нафратларини баён қиладилар. Мазкур вазиятларда биз ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Биз қуйида мазкур методларни дидактик жиҳатдан тавсифладик. Бундай методлар сирасига муаммоли вазиятларни ташкил этиш, баҳс-мунозара, таҳлилий фикрлаш, диалог, бадий ўқиш методи, қайта ҳикоя қилиш, ролли ўйин, импровизация, саҳналаштириш, бадий ўқиш, экскурсия, мустақил ишлаш, топшириқлар устида ижодий ишлаш, оғзаки баён кабилар киради. Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда ушбу методларидан фойдаланиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Мустақил ишлаш давомида ўқувчилар этнопедагогик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган кўшиқларни ўрганиш, достонларни таҳлил қилиш, улар асосида иншолар ёзиш, эртак ва достон қаҳрамонлари ҳақида шахсий муносабатларини билдириш, ривоятлар асосида иншолар ёзиш каби иш турларини бажаришлари мумкин.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнининг қуйидаги моделини тақдим этамиз. Ушбу модел ўқувчиларда миллий ғурурни этнопедагогик қадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш омиллари, принциплари, мазмуни, воситалари, методлари ва жараён натижасини ифодалаган. Бу моделдан дарслик муаллифлари, фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ўқув дастурлари, дарсликлар, дарс ва дарсдан ташқари педагогик жараёнларни лойиҳалашда фойдаланишлари назарда тутилади.



2-расм. Ўқувчиларда этнопедагогик қадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантириш жараёнининг модели

Юқорида кўрсатиб ўтилган педагогик шакллар, методлар, воситалар ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, жумладан, миллий ғурур туйғусини шакллантиришга, тарихий тафаккур, маданий дунёқарашни ривожлантиришга,

ўз ўтмишидан ғурурланиш туйғусини таркиб топтиришга, мустақил танқидий фиклашга ўргатишга хизмат қилади.

Диссертациянинг “Этнопедагогик кадриятлар воситасида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш тизимининг самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида “Ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусининг шакллантиришга йўналтирилган” тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган. Чунки ўқувчиларда миллий ғурур туйғусининг шаклланганлик даражасини аниқлаш алоҳида педагогик аҳамиятга эга.

Тажриба-синов ишлари Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги бир қатор умумий ўрта таълим мактабларида уч босқичда ташкил этилди. Тажриба-синов ишларининг биринчи таъкидловчи босқичида ўқувчиларда этнопедагогик кадриятлар воситасида миллий ғурур туйғусини шакллантиришни мавжуд ҳолати аниқланди. Иккинчи шакллантирувчи босқичида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришда фойдаланиладиган этнопедагогик кадриятлар танлаб олиниб, муайян методлар ёрдамида уларга тақдим этилди. Учинчи якунловчи босқичда эса, муайян мезонлар ишлаб чиқилиб, мазкур мезонлар ёрдамида ўқувчиларда миллий ғурур туйғусининг шаклланганлик даражаси аниқланди ва олинган натижаларга статистик ишлов берилди.

Тадқиқот натижалари асосида 5-11-синф ўқувчиларида миллий ғурур туйғусининг намоён бўлиш даражаларини аниқлашга муваффақ бўлдик.

2-жадвал

Ўқувчиларда миллий кадриятлар ва анъаналарни билишлар самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

т/р	Мезонлар	Синфлар (ўқувчилар сони)	Самарадорлик даражаси		
			юқори	ўрта	қуйи
1	Ўзбек халқининг миллий қаҳрамонларини билишлари	тажриба (551)	273	179	99
		назорат (570)	195	182	193
2	Ўзбек халқининг миллий қаҳрамонлари ҳақида маълумот берувчи дoston ва эртақларни билишлари	тажриба (551)	275	183	93
		назорат (570)	198	176	196
3	Миллий кадриятлар ва анъаналарни билишлари ҳамда унга амал қилишлари	тажриба (551)	269	180	102
		назорат (570)	197	179	194
4	Миллат, Ватан шаъни ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари	тажриба (551)	267	185	99
		назорат (570)	196	183	191
5	Миллий кадриятларни билишлари	тажриба (551)	271	179	101
		назорат (570)	194	185	191
6	Халқ ва Ватан тарихини билишлари	тажриба (551)	279	182	90
		назорат (570)	195	178	197
7	Миллатнинг улуғ вакиллари билан фахрлана олишлари	тажриба (551)	275	181	95
		назорат (570)	192	184	194
8	Ўз олдиларига эзгу мақсад қўя олишлари	тажриба (551)	276	184	91
		назорат (570)	199	180	191

9	Оила шаънини ҳимоя қилишга тайёр бўлишлари	тажриба (551)	278	183	90
		назорат (570)	201	176	193
10	Эркак ва аёлларга хос сифатларни фарқлай олишлари ва уни қадрлай олишлари	тажриба (551)	276	181	94
		назорат (570)	200	178	192
11	Опа-сингилларнинг шаъни, уни ҳимоя қилиш ҳақида тушунчага эга бўлишлари	тажриба (551)	277	180	94
		назорат (570)	197	182	191
12	Тарихий обидалар ва муқаддас кадамжойларни билишлари, улар билан фахрлана олишлари	тажриба (551)	284	177	90
		назорат (570)	199	179	192
13	Ўзбек халқининг маданий бойликларини билишлари, уларни муносиб баҳолай олишлари	тажриба (551)	275	179	97
		назорат (570)	198	178	194
Жами:		тажриба (551)	3575	2353	1235
		назорат (570)	2561	2340	2509
Ўргачаси:		тажриба (551)	275	181	95
		назорат (570)	197	180	193

3-жадвал

Тажриба бошида ва якунида ўқитувчилар ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари

т/р	Мезонлар	Ўқитувчилар сони	Самарадорлик даражаси		
			юқори	ўрта	қуйи
1.	Этнопедагогик кадриятларни билишлари ва улар ҳақидаги зарур билимларга эга бўлишлари	тажриба якунида (107)	52	38	17
		тажриба бошида (107)	34	41	32
2	Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган этнопедагогик кадриятларни фарқлай олишлари	тажриба якунида (107)	54	40	13
		тажриба бошида (107)	35	40	32
3	Миллий ғурур туйғусини шакллантириш босқичларини билишлари	тажриба якунида (107)	51	37	19
		тажриба бошида (107)	33	39	35
4	Миллий ғурурнинг таркибий қисмларини билишлари	тажриба якунида (107)	50	39	18
		тажриба бошида (107)	32	38	37
